

**ЭПИДЕМИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ  
АНТИСЕПТИКЛАР ВА ДЕЗИНФЕКЦИЯЛОВЧИ ВОСИТАЛАРГА  
ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ.**

*Одилова Г.М.*

*Самарқанд давлат тиббиёт университети ассистенти.*

**Аннотация.** Тадқиқотда эпидемиологик аҳамиятга эга микроорганизмларга (*Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae* ва *Pseudomonas aeruginosa*) қарши ишлатиладиган антисептик ва дезинфекцияловчи воситаларга чидамлилиги қиёсий баҳоланади. Уларнинг сезгирлик динамикаси ўрганилди ва дезинфекцияловчи воситаларнинг энг самарали синфлари аниқланди.

**Калит сўзлар:** микроорганизмларнинг резистентлиги, дезинфекцияловчи синфлар, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa*.

**ASSESSMENT OF THE RESISTANCE OF MICROORGANISMS OF  
EPIDEMICAL SIGNIFICANCE TO ANTISEPTICS AND DISINFECTANTS.**

*Odilova G.M.*

*Assistant of Samarkand State Medical University.*

**Abstract.** In the study, resistance to antiseptics and disinfectants used against epidemiologically important microorganisms (*Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae* and *Pseudomonas aeruginosa*) is comparatively evaluated. The dynamics of their sensitivity was studied and the most effective classes of disinfectants were determined.

**Key words:** resistance of microorganisms, disinfectant classes, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa*.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда микробларга қарши воситаларнинг назоротсиз ва кенг қўлланилиши, патоген бактерияларнинг антибиотиклар ва дезинфекцияловчи воситаларга резистент штаммларни ҳосил қилиб [1], юкумли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда [2,3]. Дезинфекция қилиш учун

ишлатиладиган воситалар фаоллигини ва уларга микроорганизмларнинг резистентлик частотасини доимий равишда назотар қилиб бориш юқумли касалликлар [4], шу билан бирга госпитал инфекциялар кўзгатувчиларини профилактикаси учун муҳим чора ҳисобланади. Маълумки, шифохона ичи микроорганизмларнинг янги штаммларини ҳосил бўлиши терапевтик ва диагностика жараёнининг ўзига хос хусусиятларига, беморлар ва бошқаларга боғлиқдир [6,7]. Аммо энг кенг тарқалган патоген микроорганизмлар бу *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa* ҳисобланади [5,8].

**Ишнинг мақсади:** Эпидемиологик аҳамиятга эга микроорганизмларга қарши дезинфекцияловчи ва антисептикларнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Тадқиқот учун Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-сон клиникасида микроорганизмларга сезгирликни аниқлаш ўтказилган лаборатория текширув натижаларидан фойдаланилди. Бир босқичли ретроспектив аналитик тадқиқот ўтказилди. Ўртача фаоллик даражаси Microsoft Office Excel 2007 да ҳисобланади, фарқларнинг статистик аҳамияти IBM SPSS Statistics 25 дастурида аниқланди.

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Амалда қўлланиладиган антисептик ва дезинфекцияловчи воситалар *Staphylococcus aureus*га қарши бир хил фаолликка эга эканлигини кўрсатди (фаоллик индекси 16). *Klebsiella pneumoniae* антисептикларга сезгир бўлиб (фаоллик индекси 32), дезинфекцияловчи воситаларга эса чидамли бўлгани аниқланди (фаоллик индекси 8). *Pseudomonas aeruginosa* антисептикларга нисбан сезгирлиги юқори бўлиб (фаоллик индекси – 128), дезинфекцияловчи воситалар учун фаоллик индекси 32 ни ташкил қилди. 2021-2022 йилларда ўрганилаётган микроорганизмларнинг дезинфекцияловчи ва антисептикларга турли даражадаги сезгирлик кузатилган: *Staphylococcus aureus* учун қўлланиладиган дезинфекцияловчи воситалар, фаоллик индекси 13,3 % ошганлиги, *Klebsiella pneumoniae* ва *Pseudomonas aeruginosa*ларда пайсайганлиги кузатилган

(пасайиш даражаси 33,3%). Худди шу даврда ўрганилган барча микроорганизмлар учун қўлланилган антисептикларга сезгирлик нисбатн кўпроқ: *Staphylococcus aureus*га қарши ишлатиладиган антисептиклар 9 дан 32 гача, *Клебсиелла pneumoniae* учун - 2 дан 32 гача, *Pseudomonas aeruginosa* учун - 4 дан 128 гача ошганлиги аниқланган. 2019- 2022 йиллар учун ўрганилаётган микроорганизмларнинг сезгирлигининг динамикасини, уларга қарши ишлатиладиган дезинфекцияловчи воситаларнинг тенденцияси пасайганлиги аниқланди (пасайиш даражаси 50%), антисептикларда эса 3,2 баравар ошган. Эпидемиологик аҳамиятга эга микроорганизмларнинг дезинфекцияловчи воситаларнинг турли синфларига сезгирлигини таҳлил қилинганда *Staphylococcus aureus* ва *Клебсиелла pneumoniae* ТАБ ва алдегидларга асосланган комбинацияли дезинфекцияловчи воситаларга нисбатан, *Pseudomonas aeruginosa* эса аминлар ва гуанидинлар, кислородли фаол моддалар, кислоталар ва ТАБ бирикмасига асосланган дезинфекцияловчи воситаларга сезгир эканлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, ўрганилган микроорганизмлар касалхонада ишлатиладиган дезинфекцияловчи воситаларнинг кўпчилигига сезгир, аммо уни камайиш тенденцияси мавжуд. Антисептикларга эса юқори даражадаги сезгирлик аниқланган. Микроорганизмларнинг эпидемиологик аҳамиятга эга штаммларининг резистент шифохона ичи штаммлари шаклланишининг олдини олиш муҳим чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. McDonnell G, Russell AD. Antiseptics and disinfectants: activity, action, and resistance [published correction appears in *Clin Microbiol Rev* 2001 Jan;14(1):227]. *Clin Microbiol Rev.* 1999;12(1):147-179.  
doi:10.1128/CMR.12.1.147
2. Одилова Г. М., Юсупов М. И. Течение стафилококковых энтероколитов у детей раннего возраста //Проблемы биологии и медицины. – 2021. – Т. 5. – С. 130.

3. Giyosovna S. D. et al. BACILLUS AVLODIGA MANSUB BAKTERIYALARNING BIOTEKNOLOGIK POTENSIALI //Innovations in Technology and Science Education. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 1154-1162.
4. Тохирова, Ф., & Жамалова, Ф. (2023). Эффективность протистоцидных препаратов в лечении хронического трихомониаза. Перспективы развития медицины, 1(1), 427–428.  
[https://inlibrary.uz/index.php/development\\_medicine/article/view/20216](https://inlibrary.uz/index.php/development_medicine/article/view/20216)
5. Yusupov M. et al. Rannee vyuyavlenie rotavirusnoy infektsii u detey //Katalog monografiy. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 1-68.
6. Sultonovich B. K. et al. A COMPARATIVE STUDY OF NEMATODA-FAUNA OF PASTURAL PLANTS IN FOREST BIOTOPES. Academia Globe: Inderscience Research, 3 (05), 41–45. – 2022.
7. Одилова Г. М. УСЛОВНО ПАТОГЕННЫЕ КИШЕЧНЫЕ БАКТЕРИЙ ПРИ ПИЩЕВЫЕ ТОКСИКОИНФЕКЦИИ НЕУСТАНОВЛЕННОЙ ЭТИОЛОГИИ //INDEXING. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 36-42.
8. Dildora S. et al. BACILLUS PUMILIS BAKTERIYALARI MIKROBIOLOGIK TAHLILI VA BIOTEKNOLOGIYADAGI AHAMIYATI //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 22. – №. 2. – С. 154-161.